

---

## МУАММО ЕЧИМИНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

Президентимиз таъбири билан айтганда, биз қачонки, фуқаролар қалбига қулоқ солиб, дарду ташвиши ва муаммолари билан қизиқсак, уларга ижобий ечим топсакгина биз халқни рози қилган бўламиз. Худди шундай фуқаролар қалбига қулоқ солиш, уларнинг муаммоларини тинглаш ва ҳал қилиш мақсадида бугун Риштон туман ҳокими Суфҳонжон Солиев туман халқ қабулхонасида жисмоний ва юридик шахслар учун навбатдаги қабулини ўтказди. Ушбу қабулда рўйхатга олинган мурожаатлар ҳоким томонидан назоратга олинган ҳолда айримлари жойига бориб ўрганилди. Ҳоким мурожаатларни тўлиқ ўрганиб, уларни ижобий ечимини топиш юзасидан қабулда иштирок этишган барча ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарларига топшириқлар берди.

2022-03-03 16:00:06